БУХОРОДАГИ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТУРЛИ ГУРУҲЛАРИ ВА УЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Д. Жамолова

Мақолада Бухорода ислоҳотчилик ҳаракати вужудга келишининг тарихий омиллари, жадидларнинг жамиятни ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва бунинг амир манифестининг қабул қилинишидаги роли, Бухоро жадидлари ўртасидаги ғоявий бўлиниш ёритилган.

Калит сўзлар: *Бухоро жадидлари, янги усул мактаблар, сўл жадидлар, эски жадидлар, манифест.*

В статье освещены исторические предпосылки возникновения реформаторского движения в Бухаре, деятельность джадидов по реформированию общественной жизни и её роль в принятии манифеста эмира, идейные разногласия внутри данного движения.

Ключевые слова: *джадиды Бухары, новометодные школы, левые джадиды, старые джадиды, манифест.*

The article deals with the historical background of the emergence of the reform movement in Bukhara, Jadid activities to reform social life and their role in the manifesto of the Emir, ideological differences within this movement.

Key words: *Jadids Bukhara new type scools, left Jadids, old Jadid, manifesto.*

XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати буюк тарихий ҳодиса бўлиб, Бухоро амирлигида ушбу ҳаракат Туркистон ва Хива хонлиги ҳудудидагидан тубдан фарқ қиларди. Бухородаги жадидлар деҳқонлар ва майда савдогарлар манфаатини кўзлаб, уларга белгиланган солиқларни енгиллатиш ҳамда солиқ ишларини тартибга солиш мақсадида турли табақага мансуб хайрихоҳ кишиларни бирлаштириб, яширин жамиятга айланиб боради.

Улар ўрта аср анъаналарини сақлаб қолган амирлар ва Бухородаги сиёсий шароитдан норози тараққийпарвар унсурлардан иборат бўлиб, бошида ҳеч қандай фирқавий ташкилот шаклига эга бўлмаган. Бухородаги жадидчилик ҳаракати 1910 йилга келибгина ташкилот характерига эга бўлади [1].

Бухоро жадидлари зиёлилар, мадраса талабалари, дўкондорлар, майда маъмурлар ва катта бойлардан иборат эди. Уларнинг асосий талаб ва вазифалари мафкуравий, иқтисодий ва маъмурий йўналишда бўлиб, мафкуравий талаблар қуйидагилардан иборат эди:

1. Турк-татарлар томонидан чиқарилган диний-дунёвий адабиётни нашр этиш йўли билан диний таассубга қарши курашиш.

2. Эски диний ва хурофот мактаблари ўрнига европача янги усулда дунёвий мактаблар очиш ҳамда халққа илм беришда ўрта аср схоластик усулини

ўзгартириб, замон талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш.

3. Матбуотга озодлик бериш.

Жадидларнинг иқтисод ва маъмурий соҳага оид талаблари солиқларни камайтириш, солиқ ва хўжалик ишларини тартибга солиш, беклар ва амалдорларнинг ноқонуний ишларини чеклаш кабилардан иборат эди.

1917 йилга қадар Бухоро жадидлари маданият ва маориф соҳасини ислоҳ этиш йўлида тарғибот олиб бориб, доимий равишда амир ва руҳонийлар таъқибига учраб келган. Бунга Абдувоҳид Бурхон ўғли ҳамда Низомиддинлар ўртасида янги мактаб очиш масаласидаги келишмовчиликларни мисол қилиб келтириш мумкин.

1908 йилда, Абдувоҳид Бурхон ўғли очган янги мактаб фаолиятига бир йил тўлгач, ўқувчиларнинг оталари, руҳонийлар ва шаҳардаги маълумотли кишилар иштирокида тантанали имтиҳон мажлиси ўтказишга қарор қилинади. Имтиҳонга жами 100 киши тўпланади. Имтиҳон вақтида иштирокчилар ўртасида жанжал келиб чиқади. Жанжалга янги мактабга баҳо бериш ва таълим берилган дарслар сабаб бўлади.

Мулла Икром бошчилигидаги маълумотли кишилар гуруҳи янги мактабларни мамлакат маорифининг гуллаб-яшнаши учун фойдали, унинг дин ва ҳукуматга ҳеч қандай қаршилиги йўқ деб топади. Улар жадидлар таълим усулини мадрасаларга қадар татбиқ қилишни ёқлайдилар [2].

Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги иккинчи гуруҳ янги мактабларнинг зарарли, дин ва ҳукуматга қарши деб топади ҳамда унга қарши жамоат ва ҳукуматнинг курашиши лозимлигини таъкидлайди. Қадимчилар янги мактабга қарши икки асосни кўрсатадилар:

1) мактабда таълимот шакли мусулмонча эмас, у рус ва европачага яқин (болалар парталарда ўлтирадилар, бир вақтда ҳам ёзиб, ҳам ўқийдилар ва бошқалар);

2) усули жадид мактаблари ислом асосларига жавоб бера олмайдир, уларда дин ўқитса ҳам, бузиладир, бундан ташқари яна ҳисоб, жўғрофия, айниқса табиият ўқитиладирки, бу мусулмонларнинг зеҳниятига жуда хилофдир [3].

Файзулла Хўжаевнинг ёзишича, шу куни Бухоро жамияти жадид ва қадимга бўлинади. Жадидларнинг бошида мулла Икром, қадимларнинг бошида мулла Абдураззоқ турар эди.

1915 йилдан жадидлар ярим расмий ҳолатга ўтиб, тўгараклар шаклида фаолият кўрсата бошлайди. Уларнинг сони 10 тача бўлиб, энг кучли ва фаоллари Бухоро, Карки ва Шаҳрисабз ташкилотлари эди.

Ўрта аср феодал тартибларини тўлиқ сақлаб қолган амир ҳокимияти иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ислоҳотлар амалга ошириш зарур эканини англаб етса-да, мавжуд тартибларни сақлаб қолишга интиларди. Бу ҳолат жадидчилар ҳаракатини маориф ва маданий ҳаётни ислоҳ қилиш йўлидан сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш йўлига ўтказди.

1913 йилда Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли ва Ҳамидхўжа ўғли Бухорода, Атохўжа ва Абдурауф Фитрат Шаҳрисабзда усули жадид мактабларини ташкил қиладилар [4].

Усмонхўжа ўғли, Бурҳон ўғли томонидан очилган мактабларда болаларга таҳсил бериш билан бирга амир шахси ва унинг ҳукуматига қарши ташвиқот ҳам юргизилар эди. Бунда таназзул, маданиятсизлик, руҳонийларнинг нодонлиги, амир қасрининг сафоҳат ва тазйиноти, амалдорларнинг бузуқчилиги, солиқ юкларининг оғирлиги, амирликнинг Россия ҳукумати қўлида қул бўлиши ҳақида гапирилар эди.

1914 йил 25 январда Бухоро уламоларининг диний маросими (машҳур эшонлардан бирининг пайғамбар ёшига тўлиши муносабати билан ўтказилган йиғин)да Мулла Икром ва қозикалон Бурҳониддин ўртасида “усули жадид” мактаблари хусусида катта тўқнашув бўлиб ўтади [5]. Мунозара сўнгида Мулла Икром эски мактаб тизимини ҳимоя қилиб чиққан қозикалонга: “Ҳозир ҳам Бухоро ўз олимларига эга. Аммо булар ўз ҳаётини бутунлай илм-фанга бағишлаган ўн минглаб кишилар орасидан чиққан бахтли инсонлардир. Нима учун биз Бухоронинг гуллаб-яшнаши ва равнақи учун ҳукуматдан эски усулни янгиси билан алмаштиришни талаб қилдик? Агар Бухорода бошқача шароит бўлганида, бундай олимлар сони мингларга етган бўларди. Мен амалдорлар билан руҳонийлар ўртасида ўзимга мадад топмасам, муқаддас иш учун очиқ кураш майдонига кириб, жабр чекишга ва ўз ўлимимни қабул қилишга ҳам тайёрман”[6],- дейди.

1914 йил бошида амир томонидан усули жадид мактаблари ёпилади ва Фитрат, Отахўжа ўғли ҳамда бошқа кўп кишилар Бухорони ташлаб кетадилар. Аммо кўп ўтмай ҳар бир шаҳарда яна усули жадид мактаблари очишга эришадилар. Амир ҳукумати фармонларига қарамасдан, маҳаллий ҳукуматлар усули жадид мактабларини ёпа олмайди. Карки ва Шаҳрисабз шаҳарларида халқ янги мактабларни қўллаб-қувватлайди.

1913 йил январида цензура туфайли “Бухоройи Шариф” ва “Турон” газеталари ёпилади [7].

Айни шу даврда Истанбул ва Оренбургдан ўқиб қайтган талабаларнинг мақсад ва интилишлари ўз муаллимлари – эски жадидлардан бошқача эди. Улар салафларининг Бухородан ташқарига чиқмаган тор доирадаги маданийлаштириш ишлари билангина қаноатланмай, сиёсий вазифаларни аниқ белгилашни талаб қилдиларки, бунда демократик ислоҳотларни амалга ошириш асосий ўрин тутарди. Улар солиқларни камайтириш, деҳқонлар аҳволини яхшилаш учун кураш бошлаб, амалдорларнинг

ишларини танқид қилиб, уларнинг бошбошдоқлигига чек қўйиш мақсадида эски жадидлардан фаол ҳаракат қилишни талаб қиладилар.

Ёш жадидларнинг талаблари Бухоро халқининг турли табақаларига мансуб жадидчилик тарафдорлари томонидан яхши қабул қилинади. Жадидчилар сафи биринчи марта табақаланиб, эски жадидчилар ва сўл жадидчиларга бўлинади. Сўл жадидлар ёшлардан иборат бўлиб, унга Фитрат бошчилик қилади. Эски жадидларнинг раҳбари эса Абдувоҳид Бурҳонов эди.

Абдувоҳид Бурҳонов бошчилигидаги жадидлар 1917 йилги Россия инқилоби бевосита амирликдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларга таъсир этиб, идора усуллари ислоҳ қилинади ҳамда амирни бўлмаганда ҳам, бекларнинг ишларини тафтиш қилиб турадиган халқ вакиллари ташкил қилинади, беклар ва қўшбеги халқ вакиллари олдида маъсул бўлади, деган фикрга келадилар. Бундан буён яширин фаолият юритмаслик, бундай йўл тутиш ҳаракатни бузиши ва амирнинг қўрқишигагина сабаб бўлади, деб хулоса қиладилар. Фитрат бошчилигидаги жадидлар эса яширин фаолият олиб бориш тарафдори бўлиб, агар ташкилот очиқ фаолият олиб борса амир томонидан тугатилиши мумкин деб ўйлайдилар.

Бу ихтилофлар расмий ва ғайри расмий гуруҳларни бирлаштирувчи бир марказ ташкил қилингунча давом этади. Аммо бу ҳолат бир қатор муҳим масалалар ҳал қилинаётганда яна пайдо бўлади. Абдувоҳид Бурҳонов ва унинг тарафдорлари ҳамда Фитрат бошчилигидаги янги жадидлар янги марказ ташкил қиладилар. Янги марказ қўмитасига Абдувоҳид Бурҳонов раис, Фитрат саркотиб, Усмон Хўжаев хазиначи этиб сайланади. Аъзолари эса Муҳиддин Рафъат, Мусо Саиджонов, Отахўжаев, Аҳмаджон Абдусаидов, Файзулла Хўжаев ва Ҳомидхўжалардан иборат эди.

Марказий қўмита ташкилотни амирнинг жосусларидан сақлаб, тез ва яширин равишда кенгайтириш учун 12 лик усулни йўлга қўйди: марказий қўмита аъзоси 12 та кишига йўлбошчилик қилади, унинг қўл остидаги 12 кишининг ҳар бири яна 12 тадан кишини, уларнинг ҳар бири ҳам худди шу тартибда яна 12 тадан кишини уюштиради. Шу тариқа фирқа кенгаяди, биргина Бухоро шаҳрида 50 тага етади [8]. Фирқа олдидаги асосий вазифа демократик ислоҳотларни талаб қилишдан иборат бўлди.

Жадидлар демократик талабларни амалга оширишда Россия ҳукумати ёрдамига умид боғлайди. 1917 йил Ёш бухороликлар фаолларининг махсус кенгашида Муваққат ҳукумат ва Петроградаги ишчи, аскар ва деҳқон Депутатлари ҳукуматига телеграф орқали мурожаатнома юборилади. Унда Ёш бухороликлар Россия халқини унинг ҳукумати орқали табриклаб, рус ва Бухоро халқининг тарихий муносабатларини кўрсатиб, Муваққат ҳукуматдан Бухорода ислоҳот ўтказиш учун амирга тазйиқ қилишни сўрайдилар.

Тез орада жадидлар телеграммасига жавобан Россиянинг Бухоро амирлигидаги вакили Миллерга ва амир Олимхонга Петроградан телеграмма келади. Телеграммада тезлик билан ислоҳот ўтказиш зарурлиги айтилган эди. Аммо ислоҳот ўтказилмайди.

Ёш бухороликлар ташкилоти Марказий қўмитаси Петроградга яна телеграмма юбориб, амирга таъсир ўтказишни сўрайди. Телеграмма матни Ф.Хўжаев томонидан тайёрланиб, Фитрат ва Мусо Саиджоновлар томонидан ҳам имзоланади. Телеграмма рус элчихонасида кўриб чиқилгач, Россияга юбориш мумкин, лекин мазмуни амирга етказилиши эҳтимоли туфайли Самарқанддан юборишга қарор қилинади. Аммо Ёш бухороликлар бу билан қаноатланмай, Фитрат ва Усмон Хўжаевдан иборат вакиллар ҳайъатини Петроградга юборадилар. Улар Оренбургга етиб борганда, жадидлар билан амир ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун Россиядан комиссия юборилгани хабарини оладилар ва ортга қайтадилар. Эскилик тарафдори бўлмиш Россиянинг Бухородаги вакили Миллер жадид раҳбарлари билан учрашади ва уларнинг талаблари нималардан иборат эканини сўрайди. Абдувоҳид Бурҳонов Миллерни ўзларининг ислоҳот дастурлари билан таништиради. Улар қуйидагилардан иборат эди:

1. Амир ва беклар ҳузурида халқ вакилларининг бўлиши. Маъмуриятни яхшилаш ва улар устидан халқ вакиллари тафтишини амалга ошириш.

2. Солиқларнинг шариат бўйича белгиланганидан бошқаларини бекор қилиш.

3. Мактаблар ва матбуот ҳурлиги.

4. Амирнинг мутаасиб ва эскилик тарафдори бўлган амалдорларидан баъзиларини алмаштириш [9].

Миллер бу талабларнинг хомхаёл экани, жадидларнинг кучи амирни мажбур қилишга қодир эмаслигини билдиради.

Аммо жадидларнинг саъй-ҳаракати ва Россия ҳукумати буйруқлари натижасида 1917 йил 17 мартда Бухоро амири томонидан ислоҳотларни амалга оширишни кўзда тутувчи Фармони Олий эълон қилинади [10].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро жадидлари ўз фаолиятларини маориф ва маданий ҳаётни ислоҳ қилишдан бошлаб, Россиядаги 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳани тубдан ўзгартириш йўлида собит қадамлик билан ўзларининг ғоявий ва амалий ҳаракатларини амалга оширдилар. Бу даврда жадидлар ўртасида ғоявий бўлиниш кўзга ташланса-да, ягона мақсад учун биргаликда ҳаракат қилиб, амир томонидан ислоҳотлар фармони қабул қилинишига эришдилар.

Адабиётлар:

1. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре.- Т.: УзГИЗ, 1926.- 77 с.
2. Айний С. Асарлар. 8 томлик. 1-том.- Т.: Ўздавнашр, 1963.- 350 с.
3. ЎзРМДА, 2-рўйхат, И-3-фонд, 320-ҳужжат, 16-варақ.
4. Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан.- Т.: Ўқитувчи, 2003.- 106 б.
5. Туркистон жадидчилиги – миллий уйғониш даври тарихи.- Наманган, 2012.- 248 б.
6. ЎзРМДА, 2-рўйхат, И-3-фонд, 513-ҳужжат, 42-варақ.

ЎзР ФА Тарих институти,
2015 йил да қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)